УДК: 821.512.133-193

ЭРКИН АЪЗАМ ИЖОДИНИНГ РОМАНТИК БОСҚИЧИ ХУСУСИДА

М.И. Шералиева

Мақолада ёзувчи Эркин Аъзам насри поэтикасининг шаклланишида давр шарт-шароитларининг таъсири масаласи ўрганилган. Хусусан, ёзувчи илк насрида кўринган "икки оламлик" хусусияти ижодкор дунёқараши билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган. Европа романтизм адабиётига хос бадиий реалликнинг "икки оламлик" хусусияти идеал ва воқелик ўртасидаги кескин номувофиқлик натижасида юзага келган. Э.Аъзам ижоди илк босқичидаги "икки оламлик" – ирреал ва реал олам тасвири воқеликни романтик идрок этиш натижаси экани асосланган.

Калит сўзлар: *романтика, "икки оламлик", идеал ва воқелик, ирреал ва реал олам, ижтимоий шарт-шароит.*

В статье исследуется влияние социальных условий на формирование поэтики прозы Эркина Агзама. В частности, «двоемирие» в ранней прозе писателя анализируется в тесной связи с его мировоззрением. «Двоемирие» художественной реальности, присущее европейской романтической литературе, явилось результатом диаметрального несоответствия идеала и действительности. Обосновано, что «двоемирие» – изображение ирреального и реального миров в раннем творчестве Э.Агзама является ни чем иным как следствие романтического восприятия действительности.

Ключевые слова: *романтика, «двоемирие», идеал и реальность, ирреальный и реальный миры, социальные условия.*

Кириш

XX аср 70-йиллари авлодига мансуб ўзбек ижодкорлари асарларининг ўзига хослиги адабиётшунос ва мунаққидлар томонидан кўп бора қайд этилган. Бироқ мазкур адабий авлод, хусусан, унга мансуб носирлар асарларининг поэтик ўзига хослигини юзага келтирган объектив ва субъектив омиллар яхлит тадқиқ этилган ишлар яратилди, деб айтолмаймиз. Жумладан, ушбу адабий авлод вакили ёзувчи Эркин Аъзам насрининг поэтик хусусиятлари шаклланишига таъсир этган ижтимоий-маданий ва психологик омиллар масаласини ўрганиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Адабиётшунос олим Дилмурод Қуронов Чўлпон насрий асарлари поэтикаси ҳақидаги мулоҳазаларини шундай бошлайди: "Бадиий адабиёт тараққиётининг ички омиллари мавжудлиги ва уларнинг аҳамиятини заррача инкор этмаган ҳолда, биз ҳар бир давр адабиётининг ғоявий-мазмуний ҳамда *поэтик хусусиятлари, аввало, ўша даврнинг ижтимоий-шарт-шароитлари билан белгиланади,* деб ҳисоблаймиз" (*Таъкид бизники* – М.Ш.) [1. Б. 8]. Дарҳақиқат, ҳар қандай ижодкор давр шарт-шароитлари таъсирида яшаш билан бирга ўз даври воқелиги билан диалогда бўладики, мазкур диалог ижодкор яратган асарларда ўз изини қолдиради. Зотан, адабий асар мазмуни "уни *ким* ва *қандай вазиятда* ёзганига боғлиқ ҳолда конкретлашади. Бу икки омилни – *ким айтиши* ва *қандай вазиятда* айтганини асло бир-биридан ажратиб бўлмайди" (*Таъкид бизники* – М.Ш.) [2. Б. 19]. Ёзувчи Эркин Аъзам насри поэтикасининг муҳим жиҳатларини давр шарт-шароитлари таъсири билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқамиз.

Материал ва методлар

Романтик дунёқараш ва унинг ифодаси бўлган “икки оламлик” масаласининг тадқиқи учун Эркин Аъзам илк насрий асарлари – “Сой бўйи, чимзор...”, “Қўшиқ айтилади!”, “Шайтончалар кўчаси”, “Файзининг амакиси”, “Хотира”, “Бир оқшом”, “Олам ям-яшил” ҳикоялари таҳлилга тортилди.

Муаммони ўрганишда маданий-тарихий ва қиёсий-типологик таҳлил усуллари қўлланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили

Эркин Аъзамнинг дастлабки асарлари – қисса ва ҳикоялари 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошларида яратилган бўлиб, бу 60-йиллар биринчи ярмидаги қисқа эркинлик шабадалари тинган, жамиятдаги “илиқлик” ўрнига кейинроқ “турғунлик” деб аталган босқич бошланган давр эди. Совет тузумининг ҳамма босқичларида бўлгани каби, Эркин Аъзам мансуб авлод дунёқараши ҳам шўро ғоялари, социализм мафкураси таъсирида шаклланганини инкор этиб бўлмайди. Жамиятнинг барча жабҳасида шўро ҳокимиятининг тарғибот машинаси бор потенциали билан ишлаб турган шароитда бошқачасини тасаввур қилиш ҳам мушкул, албатта. Авлод дунёқарашининг дастлаб кўринган асосий белгиси сифатида социализм мафкураси таъсирида шаклланган романтика ва схематизмни қайд этиш керак бўлади. Давр ёш носирлари асарларининг поэтик хусусиятлари шаклланишига таъсир кўрсатган энг муҳим омиллар сифатида ҳам ана шу романтика ва схематизмни айтиш мумкин. Авлод дунёқарашининг асосидаги романтика ва схематизм реаллик билан тўқнашув жараёнида турли акс реакцияларини юзага келтирдики, ушбу жараён Эркин Аъзам мансуб авлод ижодкорлари асарлари поэтикаси шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Ёш ижодкорларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйгач, реал воқелик билан тўқнашуви натижаси шу бўлдики, уларнинг дастлабки асарларида Европа романтизм адабиётига хос *“икки оламлик”* (“двоемирие”) хусусияти кўзга ташланди. Зотан, “Оламни романтик идроклаш асосида “романтик икки оламлик” – идеал ва воқелик орасидаги чуқур жарликни ҳис қилиш ётади” [3. Б. 259]. В.В.Ванслов романтизм даври адабиётидаги айни хусусият ҳақида шундай ёзади: “Идеал ва воқелик ўртасидаги қарама-қаршилик, инсон моҳиятига хос маънавий-руҳий эркинлик ҳамда унинг реалликдаги тушкунлиги ўртасидаги зиддият романтик санъатда ўзига хос икки оламлик муаммосини келтириб чиқаради” [4. Б. 79]. Гарчи бу фикр Европа романтизми ҳақида айтилган бўлса-да, В.В.Ванслов мулоҳазалари 70-йиллар авлоди ёш ўзбек носирлари илк ижод намуналаридаги ижтимоий-руҳий кайфият ифодасига ҳам жуда мос келади. Мустақил ҳаётга ва ижодга эндигина қадам қўйган ёшларнинг кўтаринки романтик кайфияти ҳамда улар дуч келган реал воқелик, ундаги ижтимоий муносабатлар бутунлай бир-бирига номувофиқ эди. Бу ҳол ўз навбатида улар ижодида воқеликнинг иккига – орзудаги ҳаёт ва реал ҳаётга бўлинишига олиб келди (Э.Аъзамнинг “Сой бўйи, чимзор...”, “Хотира” ҳикоялари; М.Муҳаммад Дўстнинг “Қайдасан, қувонч садоси?” ҳикояси).

Ўз вақтида мунаққид Раҳимжон Отаев Эркин Аъзам асарларининг айни жиҳатига диққатни қаратган эди. Р.Отаев фикрича, қаҳрамонларнинг “касб-кори, туриш-турмуши, муҳит тасвирида фарқли томонлар бўлса-да, уларнинг руҳий қурилиши, туйғулар оламида деярли айният кўзга ташланади: барчасида *ўз муҳитига сиғишни истамай, аллақандай юксаклик сари талпинган* ёшларнинг бир-бирига ҳамоҳанг кечинмалари ифодаланади” [5. Б. 166]. Бироқ бу ҳолга мунаққид танқидий нуқтаи назардан қараб, фикрини шундай давом эттиради: “Уларни ёнма-ён қўйиб, муқояса қилар эканмиз, “бир ҳикоянинг ҳар хил вариантларига, яъни, тўрт-беш хонанда ижро этган биргина қўшиққа ўхшамайдими?” дея ўйлаб қоламиз” [5. Б. 166].

Р.Отаев фикрларидаги икки муҳим нуқтага эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, мунаққид, гарчи танқидий ёндашган бўлса-да, адибнинг ўша пайтда ёзилган ҳикоялари учун умумий бўлган хусусиятни тўғри қайд этган, яъни уларда “*ўз муҳитига сиғишни истамай,*

аллақандай юксаклик сари талпинган ёшларнинг бир-бирига ҳамоҳанг кечинмалари ифодаланади”. Назаримизда, адибнинг илк ҳикоялари ёзилган пайтдаги ижтимоий-руҳий кайфияти ҳикояларнинг умумий руҳига, муаллифнинг бадиий воқеликка муносабатига таъсир этган, қаҳрамонлар орқали ўз кайфиятини ифода этишига олиб келган. Иккинчидан, Р.Отаевнинг Э.Аъзам ҳикояларидан олган таассуроти адиб ижодининг илк босқичига хос “икки оламлик” хусусияти ҳақидаги фикримизни тасдиқлайди: мунаққид талқинидаги “*ўз муҳити*” (реаллик) ва “*аллақандай юксаклик*” (бошқа олам) Э.Аъзам дастлабки ҳикояларининг бадиий воқелигини ташкил этади.

Демак, Эркин Аъзамнинг дастлабки асарларида романтизм адабиётида бўлгани каби “икки оламлик” кузатилади. Хусусан, “Сой бўйи, чимзор...” ҳикояси қаҳрамони гўё икки оламда яшайди, ҳикоядаги бадиий реаллик ҳам шунга мувофиқ иккига бўлинган – қаҳрамоннинг ўспиринлиги, сой бўйи, чимзор билан боғлиқ хотираларидан иборат ирреал олам ва ҳозир, шу ердаги ҳаёти кечаётган реаллик. “Сой бўйи, чимзор...” ҳикояси шундай бошланади: “...Боғ кўчани тўлдириб қариндошларининг тўйидан қайтишарди” [6. Б. 3]. Бир қарашда ёзувчи асар сюжети воқеасини ҳикоя қила бошлагандек туюлади, аслида эса бу тасвир қаҳрамон хаёлидан кечаётган болалик хотиралари экани кейинроқ маълум бўлади: “Жалил Норбоев сой бўйида эмас, креслода кўзини очди: хаёл билан мудраб кетибди” [6. Б. 5]. Қаҳрамон учун хаёлда кечаётган, хотиралар ва орзулар билан боғлиқ ҳаётининг аҳамияти реалликда кечаётган ҳаётидан кам эмаслигини таъкидлаш учун ҳам ёзувчи ҳикояни ирреал олам тасвири билан бошлайди. Ҳикоя давомида реаллик ва хотирадаги ҳолатлар тасвири бир неча бор алмашинади. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳикоя қаҳрамонида ўзининг “бошқа олам”ига икки хил муносабат кузатилади. Одатда бирор нарсадан норози ёки хафа бўлганида, ҳамкасблари билан муносабатларида келишмовчилик юзага келганида унда ўспиринлик пайтига алоқадор хотираларга қайтишга мойиллик пайдо бўлади. Унинг бу одати ҳам ўспиринлик даври билан боғланади: “Қишлоғимизда сой бўйида бир чимзор бўларди. Сиқилсам, доим негадир ўша жойга боргим келарди” [6. Б. 7]. Қаҳрамон бундай пайтларда ўша “ўзга олами”дан туриб бу оламга – уни қониқтирмайдиган реал оламга қарайди. Ҳар сафар қишлоққа борганида ўша чимзорга ҳам боришни ният қилади, бу ниятини хотинига ҳам қайта-қайта айтади: “Бу сафар қишлоққа борсак, албатта ўша чимзорда ётиб бир маза қиламиз. ...Ташвишларни унутасан, худди ҳамма орзуларингга етгандек, армонларинг йўқдай туюлади. Ишон, шунақа бўлади. Бу йил албатта...” [6. Б. 12–13]. Ҳикояда қаҳрамоннинг “ўз олами”га бошқа муносабати ҳам акс этган. Норбоев деярли ҳар йили таътилни қишлоқда ўтказса-да, ҳар гал ўша чимзорини кўролмай қайтиб келади. Бутун таътил даврини меҳмондорчиликлар, ёр-жўралар даврасида ўтказиб, чимзор бутунлай ёдидан кўтарилади. Хотини ваъдасини эслатганида эса, “шаҳарда қилган хаёли *ўзига эриш туюлиб, ажабланди*: “Кап-катта одам хотини билан *аллақандай* чимзорда чўзилиб ётса кулгили-ку. Бу ёқда шунча дабдабали меҳмондорчиликлар... *Афандилик бўлади*, йўқ. Кейин битта-яримта кўриб қолса нима дейди? *Бу фикр менда қаёқдан пайдо бўлди ўзи?*..” [6. Б. 13].

Кўриб турганимиздек, унинг шаҳарда қилган орзуси “*ўзига эриш туюлиб, ажабланиши*”, чимзор ҳақида аввалгидек қадрдон гўшани эслагандек ўйламаслиги, аксинча, бошқа одамнинг орзуси ҳақида гапиргандек ўйлаши (“*аллақандай* чимзор”), ҳатто кулгили туюлиши, буни *афандилик* деб хулоса қилиши бизга Норбоевнинг ҳамкасби Икромовни эслатади. Норбоевнинг ўйлари билан Икромовнинг Норбоевга айтган гаплари ўртасидаги ўхшашликни сезиш қийин эмас: “Сой бўйидаги чимзор... – Икромов энсаси қотганини яширмай кифтини учириб қўйди. – Хаёл – хаёл, азизим, ҳаёт – ҳаёт. Бунақа шоирона орзу-ўйлар сизу бизга ҳеч нарса бермайди. Реалистроқ бўлиш керак” [6. Б. 8]. Бу ўхшашликни шундай изоҳлаш мумкин: қаҳрамон энди “ўз олами”га ташқаридан, ўзи яшаб турган реалликдан туриб қараяпти, баҳо беряпти, ўзига ва ўз орзуларига четдан туриб муносабат билдиряпти. Ҳикоя қаҳрамонида романтизм адабиёти қаҳрамонларида бўлгани

каби иккиёқламалилик кўзга ташланади – бир томондан у ўзини ўз хаёлотидаги яхшироқ, гўзалроқ, баландроқ оламга мансуб ҳис қилади, айни пайтда у реалликдан бутунлай узилиб кетолмайди, ўзи ҳам мана шу реал воқеликнинг бир қисмига айланиб бормоқда. Демак, қаҳрамон бир пайтнинг ўзида икки оламга мансубдир. Ёзувчи асарларидаги "икки оламлик" хусусияти асар поэтикасида, энг аввало, қаҳрамоннинг икки оламга мансуб экани орқали воқеланади.

Ёзувчининг илк қаҳрамонлари учун чинакам ҳаёт гўё қанақадир бошқа бир дунё билан боғлиқ: у оламда табиат билан уйғунлик, ўзгалар билан ўзаро тушуниш, меҳр-муҳаббат ҳукмрон. Кўпинча бу олам орзулар, хотиралар билан, ўтмиш билан боғланган бўлади ("Остона", "Шайтончалар кўчаси"). Қаҳрамон ҳозир, шу ердаги ҳаётидан, реалликдан қочиб, ана шу хаёлдаги оламдан таскин ахтаради.

Ёзувчининг айрим асарларида "бошқа бир ҳаёт" тасвири берилади ("Сой бўйи, чимзор...", "Хотира", "Остона", "Шайтончалар кўчаси"), айримларида эса ўша ҳаётни орзу қилаётган қаҳрамонларнигина кўрамиз, лекин орзу ва хаёлдаги ҳаёт тасвирланмайди. Қаҳрамон ҳозирда гўё ўзининг ҳақиқий ҳаётини яшамаяпти, чинакам ҳаёти бошланиши учун у кимгадир ёки нимагадир ниҳоятда кучли эҳтиёж сезади. Қаҳрамон ўша кимдир ёки ниманингдир келишини кутиб яшаётгандек таассурот қолдиради. У ўзининг чинакам ҳаёти бошланиши учун кимнидир учратиши ("Бир оқшом", "Олам ямяшил", "Хотира") ёки қаергадир кетиши керак ("Файзининг амакиси"даги Тўрақулбой, "Анойининг жайдари олмаси"даги Рамазон, "Баҳор" ва "Баҳорни қувиб"даги Имомов). Бироқ ўша кимдир келмайди, қаҳрамон уни учратолмайди, ҳақиқий ҳаёти бошланиши керак бўлган жойга ҳам кета олмайди, у ўзининг икки оламида – ирреал ва реал оламда яшашда давом этаверади. Муаллиф қаҳрамоннинг реал ва ирреал оламда яшаётганини қайд этиш билан чекланади. Зотан, ёзувчининг ушбу асарлардаги асосий ижодий мақсади ҳам ирреал оламни реалликка қарши қўйишдан иборатдир.

Қаҳрамон хаёлотидаги "бошқача ҳаёт" тасвири билан бошланиши жиҳатидан адибнинг "Қўшиқ айтилади!", "Хотира" ҳикоялари "Сой бўйи, чимзор..." ҳикоясига яқин туради. Бу борада "Қўшиқ айтилади!" ҳикоясининг битта фарқли жиҳати – асар қўшиқ айтаётган қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати тасвири билан бошланади. Бунда қаҳрамон хаёлотидаги олам тасвири тўғридан-тўғри берилмайди. Қўшиқ собиқ курсдошларнинг талабалик давридаги умумий кайфиятини жонлантириш, ўша руҳни қайтадан ҳис қилиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Ҳикояда қаҳрамонлар соғинган ҳислар, орзу-хаёллар қўшиқ орқали реалликка қарши қўйилган: "Салом, эй *соғинтирган* ардоқли оҳанглар! Салом, эй *унутилган ҳислар, орзу-хаёллар!*.. Қандоқ тотли, қандоқ дилбар, қандоқ оромижонсиз! *Шунча маҳал қайда эдингиз?.. Чекин, эй сукунат, ўлик сукунат!* Бағримда сенга – ғафлатга, сокинликка ўрин йўқ! Салом, кенг осмон! Мунча беғуборсан, мунча порлоқсан! Бағрим ҳозир сенинг беғуборлигингга, порлоқлигингга, рангин наволарингга лиммо-лим... Сизни шарафлайман, ҳаётбахш оҳанглар! Салом, *соғинтирганларим!.."* [6. Б. 16]. "Сой бўйи, чимзор..." ҳикояси қаҳрамонини ҳамкасби Икромовнинг қўққисдан айтган "Хайрли тун, Жалил Норбоевич!" деган гапи хаёл оламидан реалликка қайтаргани каби "Қўшиқ айтилади!" ҳикоясининг қаҳрамонлари ҳам бирдан реалликка қайтишларига тўғри келади: "Туйқус, бир қаноти очиқ турган деразада уй бекасининг хижолатомуз, нимадандир чўчиганнамо юзи кўринди-ю, *кўзлардаги ўт, завқ сўнди – жимиб қолишди"* [6. Б. 16].

Умуман олганда, қаҳрамоннинг хаёлот оламидан тўсатдан қайтиб келиши, қайтиб келишга мажбур бўлиши адиб ҳикояларида кўп такрорланади. Хусусан, Норбоев ҳамкасбининг луқмасидан уйғониб кетади ("Сой бўйи, чимзор..."), ижара уйининг бекаси туфайли қўшиқ авжида узилади ("Қўшиқ айтилади!"). "Хотира" ҳикоясининг қаҳрамони эса "...Чўчиб уйғониб кетди. Кўзини очди. Тер босган, ёстиқ жиққа ҳўл. Чалқанча ётибди: тушида алаҳсираётган экан" [6. Б. 174]. Хаёлот оламидан тўсатдан қайтиб келиш мотиви ирреал ва реал оламда яшаш қаҳрамон учун деярли доимий ҳаёт тарзига айланиб қолганини кўрсатади.

“Икки оламлик” хусусияти билан боғлиқ яна бир жиҳат шундан иборатки, бу давр ҳикояларида қаҳрамон реалликдан қочиб ирреал оламдан таскин топиши ва бунинг муттасил такрорланиб туриши ўз навбатида асар қурилишига ҳам таъсир кўрсатган. Хусусан, “Хотира” ҳикоясида қаҳрамон ҳаёти иккига ажралганлиги учун муаллиф асарни ўзаро алмашиниб турадиган “Тушида”, “Ҳушида” номли қисмларга ажратган.

Романтизм адабиётидагига ўхшаш “икки оламлик” хусусияти ёзувчи дунёқарашининг дастлабки босқичидаги романтиканинг ифодаси эди. Ушбу “икки оламлик” хусусияти адиб асарларида *“болалик/ўспиринлик – катталар дунёси”* (“Шайтончалар кўчаси”), *“қишлоқ – шаҳар”* (“Сой бўйи, чимзор...”, “Сен учун энг зўр одам”, “Жиян”), *“талабалик даври – мустақил ҳаёт”* (“Қўшиқ айтилади!”, “Бир дақиқа кўзингни юм”, “Қор босган довон”), *“ўтмиш – ҳозир”* (“Сой бўйи, чимзор...”, “Остона”, “Шайтончалар кўчаси”, “Хотира”) тарзидаги топослар кўринишида намоён бўлади.

Э.Аъзамнинг бу даврдаги аксарият асарларида адибнинг ўзига руҳан яқин кишилар бош қаҳрамон қилиб олингани сезилиб туради. Фақат “Чироқлар ўчмаган кеча” ва “Файзининг амакиси” ҳикояларида бир оз бошқачароқ ҳолга дуч келамиз. “Чироқлар ўчмаган кеча”нинг қаҳрамони – кекса ва ёлғиз қария. Бу ҳикояда ҳам икки хил олам бор – талабаларнинг беғамбеташвиш ҳаёти ва ёлғиз қариянинг хотиралари. Бошқа ҳикоялардаги қаҳрамонларнинг муаллифга яқинлиги шу даражадаки, адиб улар орқали гўё ўз хотираларини “хотирлайди”, хаёлот олами тасвирида баъзан ровий ва қаҳрамон орасидаги фарқ йўқолади. ”Чироқлар ўчмаган кеча”да эса муаллиф ўзганинг хотираларини – ёлғиз қария Вали амакининг хотираларини беради. Бошқа ҳикояларда муаллиф учун *ўзини ифодалаш* мақсади устуворлик қилса, “Чироқлар ўчмаган кеча”да ўзганинг қисматига ҳамдардлик акс этган. Шунга кўра, бу ҳикоя ёзувчининг романтик кайфияти “икки оламлик” орқали акс эттирилган ҳикояларидан мазмун-мундарижаси ва поэтик хусусиятларига кўра ажралиб, фарқланиб туради.

“Файзининг амакиси” ҳикоясида ҳам шунга ўхшаш ҳол кузатилади. Ушбу ҳикоя муаммони ўзганинг ҳаёти тасвири орқали, объективлаштирилган кўринишда акс эттириш тажрибаси ўлароқ юзага келди. Ҳикоянинг романтик кайфият акс этган ҳикоялардан фарқлайдиган томони ҳам шу билан изоҳланади, унда қаҳрамоннинг хаёлот олами, ирреал дунёси акс этмайди. Ҳикояда бошқача ҳаётни орзу қилган, бошқача ҳаётга интилган қаҳрамонни кўрамиз, бироқ ўша “бошқача ҳаёт” қаҳрамоннинг хаёллари, тушлари, орзулари, хотиралари кўринишида бевосита акс эттирилмайди. Фақат ҳикоя охиридаги бир эпизодда қаҳрамоннинг қуйидаги гаплари берилади: “Жиянлар, – дея ўйчан сўз бошла(ганми)ди Тўрақул поччам. – Биласизлар, мен ўқимоқчи эдим. *Ўқишни битириб шаҳарда қолмоқчи, каттароқ бирон иш қилмоқчи эдим. Бошқача одам бўлмоқчи эдим-да, бошқача! Орзуларим осмонни кўзлаган эди*. Ҳаммасига эришаман, деб ишонардим, ҳаммасига. Бугун қарасам – ҳеч бирига эришолмабман, ҳеч қайсига-я! Нимадир етишмадими, нимадир халақит бердими – нима? Билмайман. Эҳ, бу гапларни сизларга нима учун айтяпман?..” [6. Б. 112-113]. Ҳамиша шаҳарга кетишни орзу қилган Тўрақулбойнинг бу гапларни айтиши мантиқан тўғри. Бироқ унинг ўқишга тайёрланиш жараёнларини ровий орқали кузатган китобхон қаҳрамон характери ва юқоридаги гаплари ўртасида ўзаро номувофиқлик борлигини сезиши қийин эмас. Шунинг учун ҳам муаллиф ровийни асар охирида “ишониб бўлмайдиган” [7, 8] ҳикоячига айлантиради: “....ўшанда ростдан ҳам кунлардан бир кун Тўрақул поччам Файзи иккаламизни ҳузурига чақириб азза-базза ҳасрат қилган, бизга – ҳа, Файзи билан менга нимадир, ўзи ҳам тагига етолмаган ниманидир айтмоқчи бўлганмиди ёки буни ўзимча тўқиб юрибманми? Билмайман” [6. Б. 113]. Муаллиф ҳикояни бу тарзда мавҳум шаклда якунлаши, бир томондан, асар қаҳрамони интилган бошқача ҳаётнинг конкретлашмагани, мавҳумлигича қолганига ишора қилса, иккинчи томондан, бунинг асосида китобхонни фаол мушоҳадага йўллаш мақсади яширинган. Ҳикоя ровийнинг қуйидаги мулоҳазалари билан тугалланиши ҳам айни хулосамизни қувватлайди: “Тўрақул

поччам... Файзи билан менга ниманидир, ўзи ҳам тагига етолмаган ниманидир айтмоқчи, уқтирмоқчи бўлганига ишонгим келади.

...Файзининг амакиси – менинг поччам бошқача одам бўлмоқчи эди, бошқача! Биласизми, қандай? Билмайсиз. Мен ҳам билмайман, Файзи ҳам, ўша одамнинг ўзи ҳам...

Буни энди ҳеч ким билмайди, билолмайди" [6. Б. 113].

Ҳикоянинг бу тарзда якунланиши китобхонда Тўрақулбой айтмоқчи бўлган нарсанинг нима эканини билиш истагини пайдо қилади, уни "бошқача одам" бўлиш ҳақида мулоҳаза қилиб кўришга ундайди.

Е.С.Хаевнинг фикрича, "предмет ва проблемага қараб услуб танланмайди, предметга қандай нуқтадан қарашдан проблема келиб чиқади" [9. Б. 96]. Дарҳақиқат, "Файзининг амакиси", "Совуқ" ҳикояларида "предмет"га қарашнинг ўзгариши – муаллиф нуқтаи назарининг ўзгариши ёзувчи ижодида поблеманинг ҳам ўзгаришига олиб келди. Муаллиф нуқтаи назарининг объективлашиши асар поэтикасига таъсир кўрсатди, натижада муаллиф позицияси ва нутқининг киноявийлашиши кузатилди.

"Предметга қайси нуқтадан қараш" масаласида адибнинг мазкур икки ҳикояси бу даврда яратилган бошқа ҳикояларидан фарқ қилади. Нуқтаи назарнинг ўзгариши муаллифнинг қаҳрамондан четлашишида кўринади. Ҳикояларнинг бошланишидаёқ фарқ яққол сезилади. "Сой бўйи, чимзор..." ва "Қўшиқ айтилади!" ҳикояларининг бошланиш қисми ҳақида юқорида тўхталдик – уларда қаҳрамоннинг хаёлотидаги "бошқача ҳаёт", "бошқача олам" у яшаётган реал воқеликка қарши қўйилади, шунга мувофиқ асар ҳам қаҳрамоннинг ана шу орзудаги ҳаётига алоқадор нарсалар тасвири билан бошланади. Ҳикоя давомида ровий уларнинг ички оламига ичдан назар ташлайди, ташқи воқеликка муносабатда эса ровий нигоҳи қаҳрамон нигоҳи билан бирлашиб кетади. "Файзининг амакиси" ва "Совуқ" ҳикоялари нафақат қаҳрамоннинг *орзу-ўйлари олами* ҳақида, балки ана шу орзу-ўйлар эгаси бўлмиш қаҳрамонларнинг *характери* ҳақида ҳамдир. Адиб уларнинг ўй-хаёллари, ички дунёсига *ташқаридан, четдан* назар ташлайди, воқеликка улар нигоҳи билан қараганида ҳам муаллиф позицияси қаҳрамонникидан фарқланиши сезилиб туради. Энди муаллиф қаҳрамонга ўзининг воқеликка романтик муносабатини, ижтимоий-руҳий кайфиятини ифода этиш воситаси сифатидагина қарай олмайди. Қаҳрамоннинг ўзи, унинг ижтимоий муҳит шакллантирган характери бадиий идрок этиш предметига айланди.

Бадиий идрок этиш предметига ёндашувнинг ўзгариши "Файзининг амакиси" ва "Совуқ" ҳикояларидан бошлаб адибнинг кейинги асарларида, хусусан, "Жавоб", "Байрамдан бошқа кунлар", "Гули-гули" қиссаларида давом этди. Зотан, "Файзининг амакиси" ва "Совуқ" ҳикоялари ижодкор учун романтик схематизмни енгиш йўлидаги дастлабки қадам бўлди.

Ижодининг илк босқичида ёзувчи икки хил олам тасвири орқали ўз романтик кайфиятини, оламга романтик муносабатини тасдиқлаш йўлидан борди. Бироқ романтикани тасдиқлаш Э.Аъзам ижодидаги бир босқич эди, холос. Авлод дунёқараши асосидаги романтика ва схематизмнинг реаллик билан тўқнашуви жараёни улар асарлари поэтикаси шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганини юқорида таъкидлаб ўтдик. Романтикани тасдиқлаш ёзувчи ижодидаги бир босқич эканини, реаллик билан тўқнашув жараёни кейинроқ ижодкор маънавий-руҳий оламида бошқа турли реакцияларни қўзғаганлигини эътиборга олган ҳолда айтиш керакки, *Эркин Аъзам насри поэтикаси давр шарт-шароитлари таъсирида туғилган романтика ва схематизмдан узоқлашиш, уни енгишга интилиш поэтикасидир.*

Хулоса

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин: ёзувчи Эркин Аъзам ижодининг илк босқичидаги бадиий воқеликнинг "икки оламлик" хусусияти ёзувчи дунёқараши билан чамбарчас боғлиқдир. Социализм ғоялари таъсирида ҳаётга қадам қўйган ижодкор реалликда бутунлай бошқа ҳолатга дуч келди. Натижада ёзувчи асарларида бадиий воқелик иккига ажралди: орзудаги ирреал олам ва реал воқелик.

Адабиётлар:

1. *Қуронов Д.* Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 288 б.
2. *Қуронов Д.* Талқин имконлари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – 88 б.
3. *Луков В.А.* История литературы. Зарубежная литература от истоков до наших дней. – Москва: Академия, 2008. – 512 с.
4. *Ванслов В.В.* Эстетика романтизма. – Москва: Искусство, 1966. – 404 с.
5. *Отаев Р.* Дилрабо қўшиқлар айтилаверсин // Шарқ юлдузи, 1984. – №2. – Б. 162-166.
6. *Аъзам Э.* Чироқлар ўчмаган кеча. Ҳикоялар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – 64 б.
7. *Жданова А.В.* Структура повествования в условиях ненадежного нарратора (роман В. В. Набокова «Лолита») // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Самара, 2007. – 24 с.
8. *Колосова П.А., Комарова О.О.* Ненадёжное повествование – средство пробуждения рефлексии или препятствие на пути к пониманию? // “Понимание и рефлексия в культуре, науке и образовании – 2018”. Всероссийская (с участием международных) герменевтическая конференция. Сборник научных трудов. Тверь: ТвГУ, 2019.
9. *Хаев Е.С.* Особенности стилевого диалога в «онегинском круге» произведений Пушкина // В сб.: Болдинские чтения. – Горький: Волго-Вятское книжное издательство, 1979. – 175 с.
10. *Аъзам Э.* Отойининг туғилган йили. Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 184 б.
11. *Аъзам Э.* Олам ям-яшил. Ҳикоялар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 160 б.
12. *Қуронов Д.* Адабиёт назарияси асослари. 2-қисм. – Алматы: CyberSmith, 2021. – 212 б.

ABOUT THE ROMANTIC STAGE OF ERKIN A’ZAM’S CREATIVITY

M.I. Sheraliyeva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2021. 5(57). 96-103.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, st. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: Romantic, ‘double world’, ideal and reality, irreal and real worlds, social conditions.

The article examines the influence of social conditions on the formation of the poetics of Erkin A’zam’s prose. In particular, the ‘double world’ in the early prose of the writer is analyzed in close connection with his worldview. The ‘dual world’ of artistic reality inherent in European romantic literature was the result of a diametric discrepancy between ideal and reality. It is substantiated that ‘double world’ - the image of the unreal and real worlds in the early works of E.Agzam is nothing more than a consequence of the romantic perception of reality.

The material for the study of the problem was the early works of Erkin Azam: ‘By the river’, ‘The song is sung!’, ‘The world is green’, ‘Street of mischievous Childs’, ‘Uncle of Faizi’, ‘Memory’, ‘The world is green’

Methods of cultural-historical and comparative-typological analysis were used to study the problem.

The writer Erkin A’zam, whose worldview was formed by the ideas of socialism, faced a completely different reality in life. Therefore, in the writer’s work, artistic reality is divided into two parts: the unreal world and the real reality.

For the first heroes of the writer, real life seems

to be connected with some other world: harmony with nature, mutual understanding with others, love prevails in this world. Often this world is associated with dreams, memories, the past.

The hero runs away from his present life, from reality and seeks consolation in this imaginary world. The hero is not living his real life now, he feels an extremely strong need for someone or something to start his real life. The hero lives in anticipation of someone or something. He must meet someone or go somewhere to start his real life. But he does not come, the main character cannot meet him, he cannot even go where his real life should begin, he continues to live in his two worlds - the unreal and the real.

The author confines himself to reflecting that the main character lives in a real and unreal world. After all, the main creative goal of the writer in these works is also to oppose the unreal world to reality.

The romantic picture of 'double world' was an expression of romance in the early stages of the writer's worldview. This feature of 'double world' is reflected in the writer's works in the forms 'childhood/ youth - the world of adults', 'village – city', 'student period - independent life', 'past – present'.

In his early works, the writer followed the path of affirming his romantic mood, romantic attitude to the world through the depiction of two different worlds. However, the confirmation of romance was a stage in the work of E. Azam.

References:

1. Quronov, D. (2004). *Cho'lpon nasri poetikasi* [Poetics of Cholpon's prose]. Tashkent: Shark.
2. Quronov, D. (2015). *Talqin imkonlari* [Interpretation capabilities]. Tashkent: Turon zamin ziyo.
3. Lukov, V.A. (2008). *Istoriya literatury. Zarubezhnaya literatura ot istokov do nashih dnej* [Literary history. Foreign literature from the beginnings to the present day]. Moscow: Akademiya.
4. Vanslov, V.V. (1966). *Estetika romantizma* [Aesthetics of romanticism]. Moscow: Iskusstvo.
5. Otayev, R. (1984). Dilrabo qo'shiqlar aytilaversin [Let him sing songs]. *Sharq yulduzi*. 2. Pp. 162-166.
6. A'zam, E. (1977). *Chiroqlar o'chmagan kecha* [At night, the light did not go out]. Tashkent: Yosh gvardiya.
7. Zhdanova, A.V. (2007). Struktura povestvovaniya v usloviyah nenadezhnogo narratora (roman V.V.Nabokova 'Lolita') [The structure of the narrative under the conditions of an unreliable narrator (V.V.Nabokov's novel 'Lolita')]. Abstract of the dissertation for the degree of candidate of philological sciences. Samara.
8. Kolosova, P.A., Komarova O.O. (2019). Nenadyozhnoe povestvovanie – sredstvo probuzhdeniya refleksii ili prepyatstvie na puti k ponimaniyu? [Unreliable narration – means of stimulating readers' reflexion or an obstacle?]. In: *'Ponimanie i refleksiya v kulture, nauke i obrazovanii – 2018'. Vserossijskaya (s uchastiem mezhdunarodnyh) germenevticheskaya konferenciya. Sbornik nauchnyh trudov* ['Understanding and Reflection in Culture, Science and Education – 2018'. All-Russian (with the participation of international) hermeneutic conference. Collection of scientific papers]. Tver: Tver State University.
9. Khaev, E.S. (1979). *Osobennosti stilevogo dialoga v 'oneginskom kruge' proizvedenij Pushkina* [Features of style dialogue in the 'Onegin circle' of Pushkin's works]. In: Boldinskie chteniya [Boldinskie readings]. Gorky: Volgo-Vyatka book publishing house.
10. A'zam, E. (1981). *Otoyining tug'ilgan yili* [Otoyi's year of birth]. Tashkent: Adabiyot va san'at nashriyoti.
11. A'zam, E. (1986). *Olam yam-yashil* [The world is green]. Tashkent: Yosh gvardiya.
12. Quronov, D. (2021). *Adabiyot nazariyasi asoslari* [Fundamentals of Literary Theory]. Part 2. Almaty: CyberSmith.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ШЕРАЛИЕВА Машҳура Икромжоновна – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси докторанти. E-mail: mashur_sher@rambler.ru